

Бажарувчи ташкилотни танлаб олишучун

ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

Хатирчи -2022

Танлов хужжатларининг мазмуни

I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома

II. Техник қисм

III. Наршар қисми

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

Танлов предмети: Хатирчи туман йуллардан фойдаланиш унитар корхонасига тегишли транспорт ва машина механизмларни таъмирлаш ва яроксиз эҳтиёт қисмларни янгисига алмаштириш ишлари

1.1. Танлов охириги қиймати 600 000 000 (олти юз миллион) сум. Ушбу қийматдан ортиқ қиймат қабул қилинмайди ва қуриб чиқилмайди.

1.2. Махсулот буйича Техник топшириқ танлов ҳужжатларининг техник қисмда илова қилинган.

Ушбу танлов якунлари буйича ҳолиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.3. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 295 календар кун.

1.4. Ишларни бошлаш муддати- аванс маблати утказилган кундан бошлаб ҳисобланади.

ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. **“Хатирчи туман йуллардан фойдаланиш унитар корхонаси”** (бундан кейин- “Буюртмачи” деб аталади) - танлав ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Навоий вилояти Хатирчи тумани

2.3. Танлов “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда утказилади.

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танлов иштирокчилари техника ва машина-механизмлар таъмирлаш учун лицензия, гувоҳнома, техникаларни сақлаш учун махсус усти ёпик автотураргоҳ (видеорегистратор), корхона манзилидан 15 км узоқ бўлмаган, техника ва ижрочи ўз транспорти (трайлер) ёрдамида техника ва машина-механизмларни ўз манзилига олиб кетиш ҳамда ҳар бир носоз техника ва машина-механизмларни 3 иш кунидан кечиктирмай корхона манзилига етказиб бериш талаб қилинади.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги талаблар қўйилади: танлов предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки курсатиб утилган маблағларни беришга банк қафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги; шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар, танлов объектига ухшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги; кучлари билан илгарин бажарилган иш ҳажмлари тугрисидаги маълумотлар; танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мулжалланаётган ҳажми (50 фоиздан кам бўлмаган ҳолда); Низом маблағи миқдори.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Қуйидаги талабгорларга танлов жараёнида иштирок этишга рухсат берилмайди: қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қушилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулкни мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик қилишув, молиявий иштирок, ҳолдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон қурилишда (etender.uzex.uz) порталига электрон танловлар утказиш учун жойлаштириш лозим.

4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва ҳужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига қура ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.3. танлов ҳужжатларида қуйидагилар тақдим этилиши лозим: • Техник қисм, “Буюртмачи” томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар курсатилиши керак; • Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, туловлар тартиби ва якуний туловлар ва бошқа боғлиқ курсаткичлар курсатилган бўлиши керак. Танлов иштирокчилари ҳар бир таклифларни яхлит ҳолда тикилган, номерланган, ваколатли шахс имзоси ва муҳр билан тасдиқланган ҳолда ёки ҳар бир варағини муҳрлаб тасдиқланган ҳолда тақдим этишлари лозим.

4.4. Қуйидаги ҳужжатлар тулик бўлиши талаб этилади: Техник талаб буйича қуйидаги таклифлар: •

Техник таклиф. Фирменний бланкада имзоланган, номерланган ва мухрланган холда; • Техник хужжатлар руйхати (брошюралар, техник паспортлар ёки ухшаш хужжатлар руйхати илова қилинади);

4.5. Танлов иштирокчиси: -факат битта таклиф бериши мумкин; - такдим этилаётган хужжатларнинг хакикийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тулик жавобгар булади; - таклифлар бериш муддати тугагунга қадар уз таклифларини қайтариб олиш ёки узгартириш қиритиш ҳуқуқига эга.

ТАКЛИФЛАРНИ ТАВДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ

5.1. Харид комиссияси танлов учун таклифларни қабул қилиш муддатини барча иштирокчилар учун таълуқли холда эълон қилинган муддатдан яна 5- календар кунга узайтириши мумкин.

5.2. Таклифлар муддатини узайтирилиши факат харид комиссияси йиғилиши қарори асосида амалга оширилади.

5.3. Танлов муддатини узайтириш тугрисидаги қарор махсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим.

ТОМОНЛАРНИИГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Давлат харидлари тугрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар булади.

6.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ҳолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

6.3. Танлов иштирокчиси такдим этилган барча хужжатларни хакикийлиги ва тугрилига жавобгардир. Ҳолиб иштирокчи деб топилгандан сунг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан урнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига узгартишлар қиритиш тугрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан қамида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товари (ишни, хизмати) узгартиришга йул қуйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига узгартишлар қиритилган санадан эътиборан қамида ун кунга узайтирилиши қерак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда қурсатилган ахборот узгартирилган булса, танлов утқазиш тугрисидаги эълонга узгартишлар қиритилади.

7.2. Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари қоидаларини танлов утқазиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига суров юборишга ҳақли. Суров қелиб тушган санадан эътиборан икки иш қуни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур суров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан қамида икки кун олдин қелиб тушган булса, ушбу суровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг қоидаларига дойр тушунтиришлар уларнинг мазмун- мохиятини узгартирмаслиги қерак.

7.3. Таклифларни қуриб қикиш ва бақолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган қучирма у имзоланган қундан эътиборан уч иш қуни ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.

7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни қуриб қикиш ва бақолаш баённомаси эълон қилинганидан сунг давлат буюртмачисига танлов натижаларига дойр тушунтиришларни такдим этиш тугрисида суров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай суров қелиб тушган санадан эътиборан уч иш қуни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни такдим этиши шарт.

7.5 Танлов натижалари бўйича шартнома танлов хужжатларида ва узи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда қурсатилган шартлар асосида тузи